8 декабрь
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!





ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
6 декабрь, шанба 1997 йил №143 (493)
Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади


## 1998 ЙИЛ – ОИЛА ЙИЛИ БЎЛАДИ

5 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу муносабат билан бу ерга Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, пойтахт меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Тошкентда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари ташриф буюрдилар. Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ахтам Турсунов Ўзбекистон Конституциясининг тарихий аҳамияти тўғрисида маъруза қилди. Президент Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

- Конституциямиз минг йиллар давомида орзу қилиб келган, танлаган, интилаётган манзилимизни, ҳаётимизни, истиқболимизни ўзида мужассамлаштирган,-деди жумладан мамлакатимиз раҳбари. У мамлакатимизда ҳукм сураётган, ҳар қандай тараққиётнинг гарови бўлмиш тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг пойдевори ва асосидир.

Президент мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён қўлга киритилган ютуқларимизга якун ясар экан, уларнинг энг асосийси кишиларимизнинг ўзгарган, ўсиб бораётган маънавий қиёфаси, руҳий бойлиги, миллий онги ва сиёсий савиясидир, деб алоҳида таъкидлади. Бунда оиланинг ўрни бекиёсдир. Чунки оила Шарқда қадим-қадимдан муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Шуни инобатга олиб Президентимиз 1998 йилни Оила йили деб эълон қилишни таклиф этди. Бу оила муаммоларига, унинг истиқболига ҳам давлатимизнинг, ҳам жамиятимизнинг диққат-эътиборини янада кучайтиради.

Йўлбошчимизнинг бу ажойиб таклифи мажлис қатнашчилари томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Тантанали йиғилиш ниҳоясида Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

/ЎзА/

## ИСТИҚЛОЛ ДАСТУРИ

**ТЕРМИЗ.** *Сурхондарё вилояти Мамданият ишлари бошқармаси ташаббуси билан катта байрам тантанаси бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими Жўра Норалиев «Ўзбекистон Конституцияси - Мустақиллик дастури» мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди. Вилоят прокурори Баҳодир Шукуров «Конституциямиз халқ манфаати йўлида» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, тадбирда турли бадиий жамоалар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилди. Туман ва шаҳар маданият бўлимларида байрамга аталган кўргазмалар ташкил этилди.*

## ИНСОН–ОЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

### Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Эшонов билан мулоқот

- Баҳодир Отабоевич, суҳбатимизни Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталишдан бошласак...

- Конституциянинг асосий-сиёсий аҳамияти шундаки, у суверен давлат-мустақил Ўзбекистон вужудга келганини қонуний жиҳатдан тасдиқлади.

Конституцияга мувофиқ Инсон - энг олий бойлик ва давлат сиёсатининг бош таянчидир. Шунга кўра, ислоҳотларнинг бош мақсади инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини ривожлантиришдан, ижтимоий тараққиёт марказига инсоннинг ўзини қўйишдан иборатдир. Биз учун инсоннинг турмуш тарзи ва меҳнат шароитларидан, соғу саломатлигидан, жисмоний соғлом ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялашдек имкониятларидан муҳимроқ ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун ҳам 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Бу борада амалга оширилаётган муҳим ишларга мисоллар жуда кўп. Олий Мажлис қошида Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий мажлис вакили сайланди ва унинг қонунлари қабул қилинди. Ҳукумат -ижро ҳокимияти қошида эса, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ташкил этилди. Суд ҳокимиятида Конституциявий суд фаолият кўрсатмоқда. Ҳокимиятнинг бу уч тармоғи инсон манфаатлари учун хизмат қилувчи идоралардир.

**- Ўзбекистон Республикаси Бош қонуни жаҳон андозаларига мос келганлигини мутахассислар таъкидлашгани маълум. Унинг эътиборга молик яна қай жиҳатларини таъкидлашни истардингиз?**

-Конституция бутунлай янги ҳолатни—фуқароларнинг демократик мавқеини алоҳида назарда тутади. Фуқароларнинг мавқеи мамлакатда амалга оширилаётган барча ишлар учун юксак масъулият, ҳурматга ишонч ва давлат амалга ошираётган ислоҳотларнинг йўлини қўллаб-қувватлаш билан фарқ қилади.

Мамлакатимиз Конституция туфайли инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини шакллантириш йўлидан олға бормоқда. Маъмурий буйруқбозлик тизимидан қонун ёрдамида бошқарувга ўтдики, бунда инсон манфаатлари йўлида режалаштирилган ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Конституциямиз буюк келажакнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

-Асосий қонун меъёрлари ижтимоий ҳақиқатга айланди. Конституцион меъёрлар фуқароларнинг онгига чуқур сингиб, халқ томонидан тўла эътироф этилди. Конституция беш йил давомида ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқароларнинг тенглигини, одамларнинг хавфсизлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаб турувчи ҳамда мустаҳкамловчи куч бўлиб хизмат қилиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти эътироф этган бу ютуғи ўтиш даври зиддиятларини бартараф этишнинг энг муҳим шартларидан бири, мамлакатимизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан олға боришнинг гарови бўлиб қолди.

Конституциянинг яна бир ҳусусияти -у кучли ҳимояланган босқичма-босқич бозор иқтисодиётини шакллантиришга хизмат қилмоқда.У халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий савиясини ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиради. Фуқароларнинг дунёқарашлари ўзгаради, боқимандалик кайфиятидан, тоталитар тузум асоратларидан халос бўлади. Бу келтирилган мисоллар Конституция берган мева—ҳосилдир.

Бизнинг Конституциямиз миллий қадриятларни тиклашга, қаддимизни ростлашга, маданий урф-одатларимизни умуман, Ўзбекистонни танитишга хизмат қилади. Бу Конституция - барқарор Конституциядир. У бахтли келажакни, буюк давлатни, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатловчи асосий қонундир...

**Суҳбатдош: Маҳбуба ҲАЙИТОВА.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан ҳамда инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Конституциянинг 93-моддаси 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

А. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

Б. Аёллар, шунингдек 60 ёшдан ошган эркаклар;

В. Вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

Г. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта ҳукм қилинган қуйидаги шахслар жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин:

А. Беш йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаганлар;

Б. Етти йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаганлар;

В. Ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатини камида тўртдан уч қисмини ўтаганлар.

4. Мазкур Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсларга — ўталмаган жазо қисми ярмига қисқартирилсин.

6. Биринчи марта ўн йилгача озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумлар манзил колонияларга ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 247, 248-моддаларида, 270-моддасининг 2, 3-қисмларида, 271, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга, ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек, уюшган гуруҳ ёҳуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга нисбатан Фармоннинг 1-4, 6-моддалари қўлланилмасин.

8. Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки авф этиш тартибида жазодан озод этилган шахсларга нисбатан фармон тадбиқ этилмасин.

9. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 3 декабрь.

## КОНСТИТУЦИЯ БАХШ ЭТГАН НЕЪМАТ

**«Адолат»социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, ЎзРФА мухбир аъзоси Турғунпўлат ДАМИНОВ билан мухбиримизнинг суҳбати кўп партиявийлик ва уларнинг сиёсатда тутган ўрни ҳақида бўлди.**

**- Конституциямизнинг 60-моддасида кўп партиявийликка йўл бериш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади. Шу ҳақдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

- Ҳозир Ўзбекистон фуқароларининг хилма-хил қатламларига хос сиёсий иродасини ифодаловчи тўртта сиёсий партия-Ўзбекистон халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ватан тараққиёти партияси, Миллий тикланиш партияси ва «Халқ бирлиги» оммавий ҳаракати фаолият кўрсатиб келмоқда. Конституциянинг қабул қилиниши партияларнинг мустақил республикамизда эркин сиёсий фаолият кўрсатишига олиб келди ва демократиянинг кўп партиявийлик принципларининг амалгаошишига имкон яратди. Қолаверса, бизнинг Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг вужудга келишигаянги Конституциянинг қабул қилиниши бевосита сабаб бўлди.

- «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади нималардан иборат?

- Партиямиз фаолларининг хатти-ҳаракати, мақсад-бурчлари диёримизда бунёд этилаётган чинакам инсоний, демократик ва адолатли жамият қурилишига ҳисса қўшиш, ҳуқуқий давлатчиликни мустаҳкамлаш, мақсадимизни амалга оширишда ҳал қилувчи омил-миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этишдан иборат. Мафкурамизнинг мазмун ва моҳияти Президент Ислом Каримов асарларида,маъруза ва нутқларида ўз ифодасини топган.

Бизнинг мафкурамизда халқларнинг асрлар давомида орзу қилиб келган эзгу-ниятлари, ижтимоий тенглик, эркинликка интилиш, меҳнатни қадрлаш, она-заминни севиш, дўстликни эъзозлаш каби ҳаётбахш ғоялар ўз ифодасини топиб бормоқда. Фаолиятимиз авлод-аждодларимизнинг қадимги бой урф-одатларини ва расм-русумларини ардоқлашга йўналтирилган.

Марказий Осиё тарихида юксак тафаккурга эга бўлган, сиёсий, ақл-идрок билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳожи Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга, интелектуал хазинамизни бойитишга улкан ҳисса қўшдилар. Уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини бутун дунё тан олди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси юқоридаги буюк меросимиз асосида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришни муҳим ва зарур вазифа деб ҳисоблайди. Демократик юксак онглилик маънавий ахлоқий қадриятларга амал қилувчи жамиятда қарор топади. Шахс камолотидан миллат, халқ камолотига қараб бориш мумкин, деган ғояни илгари сурамиз. Шу боисдан ҳам, улуғ бобокалонларимизнинг ахлоқий-маънавий, сиёсий-фалсафий рисолаларини бетиним равишда ўрганиш,ўзлаштириш, тарғиб қилиш фаолларимизнинг вазифаларига айланган.

**- «Адолат» социал демократикпартиясининг фракцияси сифатида партия фаоллари қандай ишлар олиб бормоқда?**

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 46 ноибдан иборат депутатлик фракцияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Парламентнинг раёсатида ҳамда қўмиталарда фракциямиз аъзолари бор. Улар Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган ҳар бир қонун лойиҳасини синчиклаб ўрганиб чиқиб, улар юзасидан муҳокамаларда фаол қатнашадилар, партиямиз вакили бўлган ижтимоий қатлам манфаатлари, умуммиллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда муҳим таклифлар киритадилар, Олий Мажлис сессияларида партия номидан сўз олиб, қабул қилинаётган ҳужжатларга муносабат билдирадилар.

Партия соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч адолатдадир» деган ўлмас шиорига амал қилиб, давлат, жамоат ташкилотларини бошқариш масалаларида қонун устиворлигини таъминлаш, аҳолини қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, қонунчиликнинг бузилиши ҳолларининг олдини олиш ва қонунбузарларга қарши муросасиз кураш олиб бориш, адолат нормалари ва тамойилларини қарор топтиришда фаол иштирок этиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстириш билан боғлиқ тарғибот ва ташвиқот ишларида катта ғайрат кўрсатишяпти.

**Суҳбатдош М.МУРОДОВА.**

## ҚУТЛУҒ САНА ОЛДИДАН

**НАВОИЙ. Вилоят фаоллари иштирокида Ўзбекистон Конституциясининг 5 йиллигига бағишланиб тантанали тадбир ўтказилди. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Азамат Ҳайдаров, Навоий давлат педагогика олийгоҳи ректори Равшан Раҳмонов, олийгоҳ проректори, профессор Сулаймон Иноятовлар Конституциянинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида маъруза қилдилар. Байрам олдидан ўтказилаётган ушбу тантана маросимида «Ўзбекнаво» гастрол концертбирлашмасининг вилоят бўлими, «Фарҳод» маданият саройи қошидаги «Ширин» халқ ашула ва рақс дастаси уруш ва меҳнат фахрийлари халқ хори жамоаси байрамга атаб тайёрлаган концерт дастурларини намойиш этдилар.**

**Садбархон ЖЎРАЕВА.**

